Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 11 июнь, чоршанба • № 46 (10.924) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимотига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Бош прокурор ўринбосари Б. Бекмирзаев бошқарди.

Мамлакатимиз раҳбарининг янги китобини тўпланганларга Олий Мажлис депутати, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов таништирди. У юртбошимиз янги асарининг мазмун-мундарижаси ҳақида атрофлича сўз юритди. Китобда республикамизнинг бугунги ҳаёти, даврнинг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий, маънавий масалалари хусусида батафсил фикр юритилган. Шу билан бирга, қўшни мамлакатлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим муаммолар ҳам ёритилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш иштирокчилари — прокурор-тергов ходимлари ҳам Президентимизнинг янги китобида ҳуқуқ-тартибот органлари олдига қўйилган масалалар бугунги куннинг кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган вазифалари эканлигини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон прокуратураси матбуот марказининг хабар беришича, шу кунларда вилоят, туман, шаҳар прокуратураларида ҳам Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобини таништиришга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

(ЎзА).

ЭСКИ ҚОЛИПДАН — ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАГА

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг навбатдаги йиғилишидан кейинги ўйлар

ҲАЁТ бир ерда турмайди, деган гап нақадар тўғри айтилган. Ўзбекистонимиз айни кунларда шунчалар шиддат ва собитқадамлик билан олға интиляптики, ҳар ўн-ўн беш кунда давлатимиз, жамиятимиз, халқимиз, миллатимиз, келажагимизга дахлдор долзарб муаммолар умумхалқ эътиборига ҳавола этилмоқда. Яқинда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ҳам ўта муҳим масала—маориф, таълим-тарбия, бу соҳаларга дахлдор кадрлар тайёрлаш муаммоси кун тартибига қўйилди. Йиғилишни Президентимиз Ислом Каримов бошқарди ва кенг қамровли — давлат аҳамиятига молик масалалар хусусида тўхталди. Энг муҳим томони шундаки, унда халқ маорифига дахлдор батамом янги ғоялар илгари сурилди.

Бундай бўлганлиги бежиз эмас, албатта. Мазкур йиғилишда таъкидланганидек, маориф, таълим-тарбия, мактабларимиз, қолаверса, олий ўқув юртларимиздаги ислоҳотлар кўнгилдагидек бормаётир. Бундай ҳолат эса, ҳақли равишда ҳамманинг қалбида ташвиш уйғотмоқда.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз аччиқ бўлса ҳам «... таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас», — деб қайд этишга мажбур бўлдилар.

Чиндан ҳам шундай. Мустақилликни қўлга киритганимизга ҳам, мана, олтинчи йил бўляпти. Бироқ, маориф соҳасида, таълим-тарбия тизимларида, ростини айтганда, арзигулик ютуқлар кўзга ташланмаётир. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар қилиш учун, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган умуммиллий дастур керак. Шу боис ҳам айни нуқтаи назарга алоҳида урғу берилди. «Шунинг учун биз, — деди И. Каримов, — бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур».

Йиғилиш моҳиятининг теранлиги яна шу нарсада кўринадики, бу мулоқотда аввалгиларга батамом ўхшамайдиган, тизилмани янги тараққиёт босқичига олиб чиқиши мумкин бўлган гаплар айтилди. Эндиликда истиқболни мўлжаллаб қўйилган вазифаларни тўла-тўкис адо этиш учун молия, халқ таълими, меҳнат, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, мактабларимиз муаллимлари, олимлар, мутахассис-услубиётчилар биргаликда, ҳамнафас бўлиб, юқорида айтилган умуммиллий дастурни ишлаб чиқишлари шарт бўлади. Ана ундан кейингина, ушбу дастур асосида қадамбақадам илгариламоқлик анналган мақсадларни беради.

Айтганимиздек, йиғилишда тилга олинган барча муаммоларни қамраб олиш анча қийин. Бугун биз биргина жиҳат — халқ маорифи, таълим-тарбия тизимида вужудга келган вазият хусусида икки оғиз сўз айтмоқчимиз, ҳолос. Мана, бизнинг Тошкент вилоятимизни олиб кўрайлик. Жойларда 890 га яқин умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 37 мингдан зиёд ўқитувчилар болаларга таълим ва тарбия асосларини ўргатиш, билим бериш, шарқона маънавиятларимиз асосларини ёшлар қалбига сингдириш билан машғул бўлмоқдалар. Бу — яхши. Аммо, маориф, таълим-тарбия ишларимизнинг ибтидосидан интиҳосигача бўлган жараёнлар эскича андозадан жуда суст чиқяпти. Бундай ҳолатни замонадан орқада қолишлик, деб баҳолашдан ўзга чора йўқ. Янгича иш олиб борилаётган — лицейлар, гимназиялар, алоҳида дастур асосида машғулотлар ўтказилаётган даргоҳларда ҳам ҳали камчиликлар кўп. Чунки, бу муқаддас соҳага жавоб берадиган масъул шахслар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, айрим ҳокимлар ҳали масаланинг нақадар жиддийлигини тушуниб етмаётирлар.

Шунинг учун ҳам Президентимиз «Бу камчиликлар, аввало, мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ», «Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермайди». «Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади», дедилар.

Бундан ортиқ лўнда, бундан ортиқ аниқ-равшан қилиб айтишнинг ўзи мушкул. Шунинг учун ҳам бу буюк ислоҳотга, ҳа, буюк ислоҳотга дахлдор ҳар бир киши комиссия йиғилишида кўтарилган масаланинг моҳиятини қайта ва қайта ўрганмоғи ҳамда маориф, таълим-тарбия, замонамизга муносиб кадрлар тайёрлаш ишлари фаолиятимизнинг бош йўналиши эканлигини чуқур англаб етмоғи керак.

Раҳимберди УМАРОВ.

Воқеалар, хабарлар, лавҳалар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИ ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМЛАРИ

ЎТГАН беш ойда вилоятнинг шаҳар ва туманларида яна 506 та бундай тизимлар ташкил этилди. Уларнинг 301 таси хусусий корхоналар, 111 таси деҳқон-фермер хўжаликлари ва 94 таси кичик ва бошқа корхоналардир.

Энг муҳими бу эмас, аксинча, ишлаб чиқариш бўғинларида бозор инфраструктурасини ривожлантириш, халқимиз учун энг зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришда нодавлат сектори ҳиссасининг ортиб бораётганлигидир.

Яна бир муҳим жиҳати вилоятда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда, янги корхоналар ташкил этишда бозор талабини ўрганиш, уларни энг замонавий технология билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлигидир. Тузилаётган бизнес режаларда бу қатъий ҳисобга олинган.

Режа бўйича йил охиригача мингдан ортиқ янги корхоналар ва хусусий ишлаб чиқариш бўғинлари ташкил этилади. Демак, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси янада салмоқли бўлади.

М.ФАТТОҲОВ.

БУ — ДОИМИЙ МАСАЛА

«Давлат, оила, жамият ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуида бўлиб ўтган республика ва вилоят анжуманларидан кейин шаҳар ва туманларда ҳам бу муҳим масалага бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда.

Чиноз туманида бўлиб ўтган ана шундай йиғилишда ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар чуқур муҳокама этилди. Анжуманда маъруза қилган туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси, туман ҳокимининг муовини Ҳабиба Шерова асосий эътиборни энг ўткир бўлиб турган муаммоларга қаратди. Йиғилишда тарбия бир кунлик, бир ойлик ёки йиллик эмас, балки мунтазам шуғулланиш зарур бўлган энг муҳим масала бўлиб, бу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, деган хулоса билдирилди.

Вилоятнинг бошқа барча шаҳар ва туманларида ҳам ана шундай анжуманлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда келгусида қилинадиган ишлар юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Ф.ФОТИҲОВ.

«ТАРИХИ РАШИДИЙ»НИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

Уни кўпчилик билмаслиги мумкин. Лекин ўз асрининг атоқли тарихнавис мударриси ва давлат арбоби бўлган Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўзининг бу асарида тарихий маълумотларимизни шунчалик мукаммал берганки, уни «Бобурнома»га тенглаштиришади.

СОҲИБҚИРОН Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтган йили «Фан» нашриётида ана шу асар қайтадан чоп этилди.

Яқинда Тошкент вилояти давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маърузалар ўқилди. Илмий меросининг аҳамияти тўғрисида тўхталинди.

«Маънавият ва маърифат» республика марказининг вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу конференция иштирокчиларни Тошкентда туғилган тарихнависнинг ўзига хос ҳаёти ва ижоди тўғрисида янги маълумотлар билан таништирди.

С. МАМАДАЛИЕВА.

БУ СОНДА:

Хусусий корхоналарда
ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҲАМ ХИЗМАТ — 2-БЕТ

Маънавиятимиз сарчашмалари
ЭЛ ЭЛБЭОЗЛАГАН — 3-БЕТ
ЭЛБЕК

ЧАП ЧЎНТАКДАГИ ДОЛЛАРЛАР — 4-БЕТ
Фельетон ўрнида

Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалигининг Аъзам Раҳматов бошлиқ бригадаси аъзолари 60 гектар майдонда, шу жумладан 13 гектар плёнка тўшалган ерларда ғўза ўстиряптилар. Экин иккинчи марта чопиқдан чиқди, бир марта озиқлантирилди. Ҳозир ғўзалар ёппасига шоналади. Сувчилардан Шерзод Анорқулов, Тўхли Холиқов, Бегали Хусановлар экинни қондириб суғормоқдалар.

Суратларда: бригада бошлиғи Аъзам Раҳматов жамоа аъзолари билан сухбатлашмоқда;ғўзалар ана шундай баравж ўсяпти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ПАРИЖДАГИ ТАНТАНАЛАРГА АТАБ

Франция пойтахти Парижда ўтадиган қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллик юбилей тантаналарига мамлакатимиз матбаачилари ҳам ўзига хос туҳфа тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ЮНЕСКО қароргоҳида ўтадиган байрам тадбирларига аталган махсус юбилей плакатлари, буклетлар ва альбомларни ўзбек, француз, инглиз, рус тилларида босмадан чиқарди. Парижда ўтадиган концерт дастури, расмлар кўргазмаси ва бошқа тадбирлар учун француз тилида таклифномалар тайёрланди. Мазкур нашрлар Ўзбекистон—Британия «Растр» қўшма корхонаси билан биргаликда амалга оширилди. Бу ҳамкорлик республикамизда жаҳон андозаларига мос матбаа маҳсулоти тайёрлаш имконини бермоқда.

(ЎзА).

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

«1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ»

1997 йил Ўзбекистонда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган. Мустақил давлатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни тўлақонли ёритиш оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда:

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шаҳар бўлими «1997 йил — инсон манфаатлари йили» шиори остида йилнинг энг яхши журналистик иши учун танлов эълон қилади.

Газета ва журналлар саҳифаларида, телевидение ва радиода ушбу мавзуда эълон қилинган энг яхши журналистик ишлар таҳририятлар тақдимномасига кўра 1997 йилнинг 15 декабрига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 232-хона.

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

битта биринчи ўрин учун — телевизор;

иккита иккинчи ўрин учун — магнитофонлар;

учта учинчи ўрин учун — диктофонлар.

Танлов якунлари янги — 1998 йил арафасида чиқарилади.

ОЛМАЛИҚДА АЙТИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

МАЗКУР шаҳардаги «Металлург» санъат саройи бир неча кун одамлар билан гавжум бўлди. У ерда Ўзбекистон тоғ-металлургия тармоғи ишчиларининг анъанавий 4-фольклор санъати фестивали ниҳоясига етди. Бекободликларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Шодиёна» дасталари йигит-қизларининг чиқишлари, Чирчиқ «Металлург» санъат саройи ҳаваскор ёшларининг «Базм» томошаси, шунингдек, қатор яккахон қўшиқчиларнинг дастурлари ҳаммага манзур бўлди.

Ниҳоят, фестиваль якунланди. «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Бекобод саньат саройининг А. Нуралиев раҳбарлигидаги «Инсон, сени куйлагандa» адабий-бадиий жамламаси намойиши 1-ўринни эгаллади. 2- ва 3-ўринлар эса Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати вакилларига берилди. Дипломлар, қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотларини Ўзбекистон тоғ-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари марказий кенгашининг раиси М. Эшонхўжаева топширди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

Ғалла мустақиллиги учун

40 ЦЕНТНЕРДАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Қайтадан тикланган ғаллачилик тармоғида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг тажрибаси ва маҳорати тобора ортиб бормоқда. Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Хўжалик ўтган йили туманда биринчилардан бўлиб ғалла ўриш ва давлатга топшириш режасини бажарган эди. Деҳқонлар бу йил ҳам 135 гектар майдонда бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар.

— Ҳар гектаридан камида 40 центнердан ғалла ҳосили йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Искандар Фозилов, — лекин бунинг учун ўримни қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз тугаллашимиз керак. Ҳозир ҳамма ҳаракат ва тайёргарлик шунга қаратилгандир.

Одил Йўлдошев бошлиқ ғаллачилик бригадаси ғаллакорлари бу мақсадга эришиш учун ҳамма имкониятга эгадирлар. Аввало бўлиқ дон ҳосили бир текис етилди. Техника воситалари тахт қилинди. Иккита «Кейс» комбайни ҳам кечадан бошлаб ғаллазорларга олиб чиқилди. Дастлабки натижалар анча қувончлидир. Ҳар куни битта комбайн ёрдамида 12-15 гектар майдондаги ғалла ўриб саранжомлаб олинмоқда.

— Бизнинг шароитда ўримни қисқа муддатда тугаллашнинг икки томонлама фойдаси бор. Биринчидан, ҳосилдорлик ортади, иккинчидан, ер имкониятлари чегаралангани учун такрорий экинлар экиб улардан ҳам мўл ҳосил олиш мумкин бўлади. Бу соҳадаги тажриба яна ҳам бойийди.

Илғор бўлиб келган охунбобоевликлар бу йил ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

КЕЙСЛАР ИШГА ТУШДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги «Дўстлик», «Меҳнатобод», «Гулистон» жамоа хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими бошланиб кетди. «Дўстлик» хўжалигида 4 та комбайн ишлай бошлади. Комбайнчилардан С. Жуманов, И. Аҳмедов, А. Стариков, У. Чинозов ўзлари ер ҳайдаган, дон эккан ва экинни озиқлантирган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 41 центнердан буғдой ўриб-янчиб олмоқдалар. Бош муҳандис Қўнисбой Назиров бошлиқ кўчма устахона ходимлари комбайнларнинг унумли ишлашини таъминламоқдалар. Бош ҳосилот Эсонбек Бахтибоевнинг айтишича, хўжаликда 720 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирилган. Ғаллакорлар июнь ойи ичида 3053 тонна ҳосилни саранжомлаб олиб, шундан 1741 тоннасини давлат омборларига топширадилар. Ҳозир эса ўрилган, янчилган ва сараланган дон пешмапеш қабул пунктларига етказиб берилмоқда.

Туман сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Пўлат Бойдебоев хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими қандай бораётганлигини шарҳлар экан, жумладан шундай деди:

— Бу йил туман бўйича 12,5 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Режамиз 39 минг тонна дон олиб, шундан 27 минг тоннасини давлат буюртмаси учун топширишдан иборатдир. Икки кун аввал туманда ўрим бошланиб кетди. Эрта-индин далада ишлаётган комбайнлар сони 70 тага етади. «Гулистон», «Ўжакент», Улуғбек номли жамоа хўжаликларининг ҳар бирида иккитадан, жами 6 та «Кейс» комбайнлари ишлай бошлайди. Ҳар бир хўжаликда комбайнчилар учун, умуман, ғалла ўрим-йиғимида қатнашаётган кишилар учун барча шароитлар яратилган. Дала шийпонларида уч маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланмоқда. Механизатор ва транспорт ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида етарли миқдорда маблағ ажратилган. Далада ишлаётганларнинг маош ва мукофот пуллари ўз вақтида иш устида ҳисоблаб берилади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ХИРМОН ТАРАДДУДИ

Ўртачирчиқ тумани ғаллакорлари бу йил 11.100 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда бутун ҳаракат ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилмоқда. «Қорасув» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда ҳам шу ҳақда гап борди. Унда барча хўжаликларнинг раҳбарлари, бош ҳосилотлар, механизаторлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Бу йил туманда 63 та комбайн, шу жумладан, 4 та «Кейс» агрегатлари билан ғалла ўрилади. Барча ўрим ҳамда транспорт техникаси мавсумга шай қилиб қўйилган. Хўжаликларда комбайнчиларни рағбатлантириш мақсадида ўрим-йиғимга киришиш олдидан ҳар бир механизаторга 5 минг сўм бўнак пули, бир қоп ун ва ёғ тарқатилмоқда.

Туман ҳокимлиги хўжаликлар ўртасидаги ўзаро мусобақа шартларини ҳам ишлаб чиқди. Ғалла ҳосилдорлигини гектар бошига 37 центнерга етказган ва биринчи ўринни эгаллаган хўжаликка «Нексия» автомашинаси, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа хўжалигига «Дамас», учинчи ўринни эгаллаган хўжаликка эса «Тико» автомашинаси совға қилинадиган бўлди. Ғалла ўрим-йиғимини сифатли ва нобудгарчиликсиз ўтказиш мусобақанинг асосий мезони қилиб қўйилди.

Охунбобоев номли ва «Қорасув» жамоа хўжаликлари туманда биринчи бўлиб ғалла ўрим-йиғимига киришдилар. Хирмонга келиб тушган дастлабки дон салмоғи етиштирилган ҳосилнинг кутилганидан ҳам зиёда эканлигини кўрсатмоқда.

Туман хўжаликлари бу-йилги мавсумда 42 минг тонна дон ўриб-янчиб, шундан 23,5 минг тоннасини давлат қабул пунктларига топширадилар.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаолиятда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бошқа мамлакатлар билан, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқалар қайтадан янги йўлга қўйилмоқда. Айниқса, хорижий мамлакатларнинг жаҳонга машҳур фирмалари билан ҳамкорлик қилиш, улардаги илғор техника ва технологиядан самарали фойдаланиш, ўзимизда ҳам жаҳон андозалари даражасидаги техника ва технологияларни яратиш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб турибди.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясига қарашли корхоналар ана шу йўналишда муваффақиятли равишда иш олиб бормоқдалар. Асосий эътибор мавжуд техникани замонавийлаштиришга, машина ва механизмларнинг янги ва илғор турларини яратишга қаратилмоқда. Шу мақсадда холдинг компаниясининг қатор корхоналари етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорликни жадал бошлаб юбордилар. Ҳозир 4 та қўшма корхона барпо этилди ва ишлаб турипти.

Италия билан ҳамкорликда тузилган «Ўзиталмотор-холдинг» қўшма корхонаси Тошкент мотор заводи базасида жойлашган бўлиб, Минск мотор заводи конструкцияси асосида Д—243 двигатели, «Файтек 3000» автоюклагич ва бошқа механизмларни ишлаб чиқармоқда.

«Технолог» акциядорлик жамияти (АЖ) базасида Исроилнинг «Бальшин» фирмаси иштирокида барпо этилган «Инсформ» қўшма корхонасида полимерлар, сопол ва қаттиқ қотишмалардан пресс-қолиплар, қуйиш-қолиплар, штамплар, ускуналарни ва шакл берувчи деталлари бўлган мураккаб асбобларни тайёрлаш бўйича лойиҳа-конструкторлик, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти билан шуғулланилади, шунингдек, металл ҳамда полимер буюмлар сиртини силликлаш ва уларга жило бериш учун эластик абразив асбоблар тайёрланади.

Америка Қўшма Штатларининг «Soviet Ameriken Enterprise» фирмаси ҳамкорлигида тузилган «ЦОРБИ» қўшма корхонаси «Технолог» АЖ базасида жойлашган. Ундан кузатилган асосий мақсад — бизнес ишларини ривожлантириш, меҳмонхоналар хизматини замонавий негизда кенг йўлга қўйиш, таржима ишига ўргатишдан иборат. Бунинг учун махсус дастурлар асосида семинарлар уюштирилмоқда.

«Тошкент агрегат заводи» АЖ базасида барпо этилган қўшма корхона «Би Эл Моторс» деб аталади. У Қирғизистоннинг электр машинасозлик заводи билан ҳамкорликда вужудга келтирилди. Корхона ишлаб чиқариш — техника аҳамиятига молик электр двигателларини етказиб беради, уларга техник сервис ва кафолатли хизмат кўрсатади, шунингдек савдо-сотиқ ва воситачилик фаолияти билан шуғулланади.

Истиқболда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси бошқа машҳур хорижий фирмалар билан ҳамкорликда янги қўшма корхоналарни тузишни ҳам мўлжалламоқда. Жумладан, АҚШнинг «Кейс Корпорейшн» фирмаси иштирокида қўшма корхона тузиш тўғрисида республика ҳукуматининг қарори қабул қилинган.

«Тошқишлоқмаш» АЖда «ЎзКейсмаш» қўшма корхонаси барпо этилиб, янги нусхадаги пахта териш машиналари йиғилади ва ишлаб чиқарилади. Бу қўшма корхонада «Кейс—2022» русумли икки қаторли горизонтал-шпинделли пахта териш машиналари, «Кейс-1010» русумли дон ўриш хедерлари ишлаб чиқарилади. Бу йил 100 та «Кейс—2022» пахта териш машинаси ва 10та «Кейс—1010» дон ўриш хедери тайёрлаб берилиши керак.

Бундан ташқари, комбинациялашган ХМГ—04 русумли пахта териш машинасини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ватанимизда яратилган пахта териш машинасининг шассисига «Кейс» фирмасининг горизонтал-шпинделли терим аппарати ўрнатилади. Бу машинанинг дастлабки тажриба нусхалари ўтган йил пахта териш мавсумида хўжаликларда синовдан ўтказилди.

«Тошкент трактор заводи» (ТТЗ) давлат акциядорлик жамияти (ДАЖ)да ишлаб чиқариладиган тракторларни дизел двигателлари билан таъминлаш учун «ЎзИталмотор» АЖда «Камминз Энжин» (АҚШ) фирмаси билан биргаликда двигателларни тайёрлаб берадиган «ЎзКамминзмотор» қўшма корхонаси барпо қилинади. Бу йил қўшма корхонада 3500 та двигатель, шу жумладан 92-100 от кучи қувватига эга бўлган 4ВТ3,9 русумли 4 цилиндрли 2000 та ва 100-130 от кучи қувватига эга бўлган 6ВТ5,9 русумли 6 цилиндрли 1500 та двигатель тайёрлаш мўлжалланган. Шу кунга қадар 500 та двигатель АҚШдан контейнерларда корхонага етказилиб берилди. Шулардан 100 дан ортиғи бутловчи қисм ва деталлардан қайта йиғилиб, синовдан ўтказилмоқда ва тракторларга ўрнатиш учун «ТТЗ»га жўнатилмоқда.

«ТТЗ» ДАЖда «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликда «ЎзКейстрактор» қўшма корхонаси қурилади. Бу ерда 90-130 от кучи қувватига эга бўлган универсал-чопиқ ва пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар тайёрланади. Ҳозир шундай тракторларнинг дастлабки туркумини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу йил 100 та трактор бутловчи агрегат ва қисмлардан йиғилади. Шу жумладан 5230Х «Жаҳонгир» (100 от кучига эга) ва 4240Х (92 от кучига эга) русумли пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар ҳамда 5250 «Максум» (125 от кучига эга) русумли универсал-чопиқ тракторлари тайёрланади. Бу тракторлар келажакда «Кейс» фирмасининг серқувват МХ-11 ва МХ-30 русумли тракторлари билан алмаштирилади. Улар 6 ва 8 қаторли комплекс машиналар билан агрегатланади.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Айни пайтда, комбинациялашган конструкциядаги «Кейс» фирмасининг ва «ТТЗ» ДАЖнинг трансмиссияси ҳамда «Камминз» фирмасининг двигатели ўрнатилган 4500 та ТТЗ-100КХ (пахтачилик) ва ТТЗ-100КП (универсал-чопиқ) тракторлари ишлаб чиқарилади.

«Чирчиққишлоқмаш» АЖда тупроққа ишлов бериш техникаси (плуг, култиватор, чизел-култиватор, чукур юмшатгич, тупроқ фрезаси ва бошқаларнинг) ишчи органларини ишлаб чиқариш бўйича «Лемкен» (Олмония) фирмаси билан «ЎзЛемкен» қўшма корхонаси қурилади. Бу йил «Циркон» типидаги 20 та култиватор тайёрланади.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш» АЖда «Кейс» фирмаси билан биргаликда «ЎзКейсэкишмаш» қўшма корхонаси барпо этилиб, кенг қамровли универсал (дон, пахта, беда, сабзавот ва бошқа ўсимликлар учун) сеялкалар тайёрланади. Беларуснинг «Гомсельмаш» ИЧБси билан биргаликда фермер (деҳқон) ва хусусий хўжаликлар учун мини-трактор билан бирга тиркама ва осма комплекс машинасини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузилади. Россиянинг «Туламашзавод» акциядорлик компанияси билан биргаликда майда хўжалик юкларини ташишга мўлжалланган юк мотоцикларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо қилинади.

«Кимёқишлоқмаш» АЖда «Дегания Спейрс» (Исроил) фирмаси билан ҳамкорликда «ТошкимёДеғания» қўшма корхонаси қурилиб, пневматик, кенг қамровли пуркагичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу йил 150 та ПНК-850 русумли («Дегания» типидаги) кенг қамровли пневматик пуркагич тайёрланади. «Агримондо» (Италия) фирмаси билан ҳамкорликда фермер (деҳқон) ва хусусий томорқа хўжаликлари учун осма, ҳажми 20 литрли («Аэлита» типидаги) пуркагич, боғларга мўлжалланган ОПВ—1200 русумли («ЕКО—JET» модул базасидаги) юқори унумли пуркагич ва боғдорчилик-пахтачиликка мўлжалланган ОШУ-50 русумли («SOLMEK—110» типидаги) юқори унумли чангитгич ишлаб чиқариш бўйича «ТошкимёАгримондо» қўшма корхонаси тузилади.

«Тошкент агрегат заводи» АЖда «Киевтрактородвигател» ЖКси (Украина) билан биргаликда КВФ—2,8 русумли фрезер культиваторини ишлаб чиқариш бўйича «Ўзтрактордвигател» қўшма корхонаси барпо этилади.

«Урганчозиқамаш» АЖда «Селко» (Олмония) фирмаси билан биргаликда озуқа-ем тайёрловчи машиналарни ишлаб чиқариш бўйича «ЎзСелкомаш» қўшма корхонаси қурилади.

«Боғдорчилик машинасозлик заводи» АЖда «Solar Energy Sustem» (Греция) фирмаси технологияси асосида саноатда ва маиший ишларда фойдаланиш учун мўлжалланган, қуёш нури билан сув иситиш қурилмасини тайёрлаш бўйича қўшма корхона тузилади.

«Нормал» жамоа корхонасида «Интерконтактсервис» (Чехия) фирмаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобил саноати учун юқори сифатли метизлар ва маҳкамловчи буюмларни тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ана шу кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш учун холдинг компаниясида ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда маҳсулот сифатини ошириш, техник сервис, маркетинг фаолиятини кучайтириш, жаҳон бозори талабларини ўрганиш, рақобатбардош ва тайёр маҳсулотларни сотиш усулларини эгаллаш, хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар қуриш ишини кенгайтириш, чет эл сармояларини ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олувчилар билан шартнома асосида ишлашга ўтиш талаб қилинади.

Ўзбекистон келажакда истиқболи порлоқ диёрга, халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган, замонавий ва илғор техника билан, халқи эса турли ноз-неъматлар билан тўла таъминланган фаровон мамлакатга айланадиган кунлар узоқ эмас.

Абдукарим УСМОНОВ,
«Ўзқишлоқхўжаликмаш холдинг» компанияси «Илмий-техника тараққиёти ва ахборот» бўлими бошлиғининг муовини, техника фанлари номзоди.

Суратда: «Камминз» фирмасининг двигатели ўрнатилган комбинациялашган конструкциядаги «ТТЗ-100 КХ» пахтачилик трактори.

ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҲАМ ХИЗМАТ

«Монтаж-сервис» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотлар туфайли таркиб топган юзлаб тадбиркорлик тузилмаларининг бири ҳисобланади. У 1994 йилда хусусийлаштириб олинган эди. Шундан буён узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастлабки вақтларда анча қийин бўлди. Оёққа туриш давомида турли хил ташкилий-техникавий муаммоларга дуч келинди.

Корхонани хусусийлаштириб олган Тўхтамурод Маликов бошчилигидаги мўъжазгина жамоа танланган йўлдан дадил олдинга қараб бораверди. Йўл йўлакай турли муаммоларни ақл-идрок билан, аниқ мақсадни кўзлаб ҳал қилишга интилди. Бинокорлар зарур бўлганда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга даъват этилган мутасадди ташкилотлардан ёрдам сўрадилар.

Ишбилармонлик ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас хусусий корхона қаддини тиклади. Ҳозирги вақтда келиб жамоанинг иш кўрсаткичлари муттасил ортиб бормоқда. Биноларни таъмирлаш ҳажми ҳам, сифати ҳам дуруст бўляпти. Унинг кўп миллатли жамоаси барча буюртмаларни муддатида бажармоқда.

Хусусий корхона ишчи-хизматчилари шаҳардаги кўпчилик иншоотларни қайта қуришда фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, монтаж ишларида фаол қатнашмоқдалар. Чунки, жамоанинг асосий қисмини газ-электр пайвандчилари ва чилангарлар ташкил этади. Улар асбоб-ускуналарни ўрнатиш, тузатиш, металл конструкцияларини пайванд қилиш каби мураккаб жараёнларни амалга оширадилар.

Шаҳарда, туманда ҳам бундай мураккаб вазифани бажаришда жамоага тенг келадиган бошқа бирорта ҳам кичик ёки хусусий корхона йўқ. Шунинг учун унинг доимий мижозлари кўпайиб бормоқда. Топшириқни кўнгилдагидек бажаришлари ҳам шунга олиб келмоқда. Корхонада эса замон талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришларнинг янги турлари, хизмат кўрсатишнинг янги усуллари йўлга қўйилмоқда. Айни вақтда хусусий корхона жамоаси сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозир ишчи-хизматчилар сони 110 кишидан ошиб кетди.

Жамоа фаолияти қирралари қанчалик кенг кўламли эканлигини тасаввур қилиш учун айрим мисолларни келтирмоқчимиз. Ҳозир улар шаҳар саноат иншоотларида мажмуий қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, мавжуд ва

Хусусий корхоналарда

қайта қурилаётган корхоналарда, айниқса, даволаш, мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари иситиш тизимларини таъмирлаш ва созлаш-ишга тушириш ишларини жадал амалга оширишяпти. Энг муҳими бу ерда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

– Корхонамизда қатор саноат маҳсулотлари ва фаолиятимизда асқотадиган бинокорлик материалларининг зарур бўлган айрим турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирганмиз, – дейди корхона раҳбари Тўхтамурод Маликов. – Жумладан, кимё ва ностандарт асбоб-ускуналар тайёрланмоқда. Иситиш қозонлари ва титанларини тайёрлаб, сотишга чиқармоқдамиз. Бу билан олаётган даромадимиз кўпаймоқда. Аввало, бундай маҳсулотлар билан истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам бераяпмиз. Уларга харидорлар доим топилади. Бундан ташқари, турли-туман темирбетон конструкциялари ва деталлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона раҳбарлигининг олинаётган даромад ва фойданинг анчагина қисмини янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга сарфлаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Кейинги йилларда қатор шундай бўлинмалар юзага келди. Бу хусусда ўтган йили ҳам самарали бўлди. Жамоа саноат ишлаб чиқаришини қишлоқларга олиб киришдан иборат долзарб вазифани ҳал қилишга озми-кўпми ҳисса қўшмоқда. Биргина ўтган йили Янгийўл туманидаги Ҳ. Турсунқулов номидаги жамоа хўжалигида тикувчилик цехи очилди. Бу ерда махсус ишчи кийимларни тикиш ўзлаштирилди. Шу цех туфайли 25 та ишчи ўрни яратилди. Банд бўлмаган қишлоқ ёшларидан жалб қилинган ўнлаб кишилар иш билан таъминландилар ва ҳунар ўргандилар. Шу жамоа хўжалиги қишлоқларидан бирида эса товар бетони ва шлак блоклар тайёрловчи цех ҳам фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳам ўнлаб қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат қўйнига жалб қилиндилар.

Қурилишларда ёғоч-тахта материаллари кўп ишлатилади. Уларни хориждан олиб келиш жуда қиммат-га тушмоқда. Лекин, ҳозирча бунга мажбур бўлинмоқда. Бироқ, яқин келажакда бунга ҳам ҳотима берилади. Корхона маъмуриятининг ташаббуси билан теракзорлар барпо этишга киришилди. Тумандаги жамоа хўжаликларидан бирининг фойдаланилмай ётган ҳудудида беш минг туп терак кўчатлари ўстирилмоқда. Ҳадемай улардан бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган бўлади.

«Монтаж-сервис» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси жамоасининг ибратли ишларидан далолат берувчи бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Ишчи-хизматчилар доим изланишда, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги-янги ишлаб чиқариш бўлинмаларини барпо этиш, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтиришни дилга мустаҳкам жо қилиб олишган. Жумладан, жорий йилда карбит ва пайвандлаш электродлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордилар. Уларда ками билан элликта ишчи ўринлари яратилади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

БОҒБОНЛИК, ТУЛЧИЛИКНИ... ЎРГАНМОҚДАЛАР

«ҲАР БИР ТУП дарахт эъзозда бўлсин». Ёш табиатшунослар станциясида уюштирилган навбатдаги учрашув шу мавзуга бағишланди. Унда, айниқса, юқори синфлар талабалари фаол қатнашдилар. Ёшлар яшил бойликнинг аҳамияти, унинг ҳавони мусаффо сақлашдаги роли ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар, ҳар бир туп кўкатни эъзозлаш лозимлигини таъкидладилар...

Масканимизда бундай учрашув ва кечалар тез-тез бўлиб туради. Улар ҳам ўқувчи ёшларда табиатга авайлаб муносабатда бўлиш, унга меҳр қўйиш кўникмаларини тарбиялашга ёрдам бермоқда.

Бизнинг ёш табиатшунослар станциямиз 1963 йилда ташкил этилган эди. У ўқувчиларнинг мактабда табиат фанларидан олган билимларини амалда синаб, тажриба қилиб кўрадиган ва келажакда ҳаётга татбиқ этишни ўргатадиган маскан бўлиб қолмоқда.

Станцияда 23 та табиат сирларини ўрганишга оид биологик тўгараклар очилган. Боғдорчилик, гулчилик, сабзавотчилик, балиқчилик, экология ва бошқа тўгараклар шулар жумласидандир. Тўгараклар аъзолари тажрибали раҳбарлар бошчилигида ҳар хил ўсимликлар устида кузатишлар олиб борадилар, уларни ўстириш билан шуғулланадилар.

Шу кунда тўгаракларимизга 900 дан ортиқ ўқувчи қатнашмоқда. Бир гектар ерда ҳар хил мевали дарахтлардан боғ яратилган. Боғдан олинган ҳосил боғчаларга тарқатилмоқда. Шу кунларда станциямизда тирик бурчак ташкил этишга киришдик. Унда ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этмоқдалар. Улар бу бурчакда турли жонивору паррандаларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган бўладилар. Тирик бурчак ёшларнинг табиатга нисбатан меҳрини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Усмонқул РАҲМОНҚУЛОВ,
Пскент тумани ёш табиатшунослар станцияси директори.

ПУЛ БОР, ҚЎЛ УЗУН

ЯНГИОБОД шаҳри транспортчилари хизматидан корхона, ташкилотлар ҳам, йўловчилар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган автокомбинатда автобуслар қатори кўплаб юк машиналаридан ҳам фойдаланиляпти. Улар ёрдамида мижозларнинг юклари белгиланган манзилларга етказиб берилмоқда.

Комбинат жамоаси ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўзини анча ўнглаб олди. Бунга, аввало, корхона раҳбари, шаҳар кенгаши депутати Ўринбой Тошматовнинг, қолаверса, бутун жамоанинг куч-ғайрати, тинмай изланишлари туфайли эришилди. Ўтган хўжалик йили анча яхши кўрсаткичлар билан якунланган эди. Жорий йилда янада зўр ғайрат-шижоат билан ишланмоқда. Шу туфайли юк ва йўловчилар ташиш топшириқлари ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Тўрт ой давомида йўловчиларга кўрсатилган хизмат ҳажми назарда тутилганидан ортиқ бўлди. Юк ташиш соҳасида даромад олиш топшириғи 116,2 фоиз қилиб адо этилди.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига тобора кўпроқ маблағ ажратиш имкони туғилмоқда. Корхонага қўшиб олинган 3-автобаза ҳудудида қаровсиз ҳолга келган боғ ва узумзорлар қайта тикланди, иссиқхоналар ишлай бошлади. Мевазорлар майдони 4 гектарга етди. Узумзорлар ҳам кенгайди. Бундан ташқари, 25 сотих майдонда лимон, апельсин, мандарин, кўкатлар, помидор, булғор гармдориси ва бошқа шу каби дармондорига бой қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. улардан жамоа аъзолари баҳраманд бўлишмоқда.

Бундан ташқари, транспортчиларга ошхона, чойхона хизмат қилмоқда. Новвойхона биноси қуриляпти. Айни кунларда шаҳардаги уйсозлик комбинатининг бир гуруҳ ишчилари шу бинони барпо этмоқдалар.

Теша ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТИ БЕЭЪТИБОР ҚОЛМАСИН!

МАМЛАКАТИМИЗДА «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигига анча фурсат бўлди. Тошкент вилояти туман ва шаҳар ҳокимликлари умумий, ташкилий бўлим мудирлари иштирок этган Пскент шаҳридаги ўқув семинар йиғилиши ана шу қонуннинг қандай бажарилишига бағишланди. Уни вилоят ҳокимлиги ташкилий бўлими мудири Юнус Шарипов бошқарди.

Йиғилишда хат, почта, телефон қўнғироқлари, шошилинчномалар, хатлар билан ишлаш, уни расмийлаштириш, фуқароларнинг хатларига муносабат қай йўсинда олиб борилиши тўғрисида кўрсатмалар берилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқув семинарда фуқароларнинг шикоятларига ёки сўровномаларига жавоблар рус тилида эмас, давлат тилида берилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, улар раҳбар лавозимларга ҳамда ташкилотларнинг бошқарув қисмларига заҳирадаги мутахассисларни олдиндан тайёрлаб бориш масаласини ҳам муҳокама қилдилар. Улар ҳар ойда бир марта ана шундай ўқув семинарларини ташкил этиб туришга келишиб олишди.

Т. ИБРОҲИМОВ.

Маънавиятимиз сарчашмалари

ЭЛ ЭЛЪЗОЗЛАТГАН ЭЛБЕК

1 2 3 4

«...БУ КИШИ БИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ ВА БИРИНЧИ ШОИРИМИЗ...»

МАЗКУР сатрларни буюк педагог Машриқ Юнус ўғли Элбек бундан етмиш етти йил илгари ёзган. Биринчи жаҳон урушидан буён тинимсиз давом этаётган хунрезлик Россия ва унга тобе Туркистонни ҳам танг аҳволга солган, турли баҳона-ю, асли таги пуч ваъдалар билан бутун ўтмишимизга ўт очилаётган йиллар эди ўшанда. Ҳаётда рўй бераётган барча фожеаларни фақат ўтмишга тақаш одат тусига зўрлаб киритилаётган даҳшатли вазиятларда Элбек Алишер Навоийни мақтаб, ўқувчиларга «бизнинг энг улуғ ва биринчи шоиримиз» деб тушунтирди... «Навоий» деган сарлавҳа остида махсус мақола ёзиб, уни ўзи тузган «Ўқиш китоби»да эълон қилди. Шундай чиқишнинг ўзи ўша даврда — маънавиятимиз, маърифатимиз, бу борадаги миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда жуда катта жасорат эди. Негаки, октябрдан кейин ундан аввалги бутун тарихимиз, буюк шахсларимиз, даҳоларимиздан қолган маънавий, маърифий меросларимиз қораланиб турган оғир ва ўта мураккаб, бошқача қилиб айтилганда, миллий анъаналаримиз оёқости қилиниб, мустамлакачиларнинг шовинистик сиёсати зўрлаб тиқиштирилаётган маҳшар каби мудҳиш кезларда — Алишер Навоий сингари буюк даҳоларимизнинг тарихда тутган ўрнини ҳурмат-иззат билан шарҳлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди... Бундай жасорат буюк аждодларимиз — Элбек ва унинг ҳамфикр сафдошларигагина хос эди.

Зеро, ҳар қадамда шамолга қараб турадиган «лаббайчилар» икки дунёда ҳам у зотларга тенглаша олмайдилар. Одатда ҳар қандай ботирлик ёв қочмасдан илгари содир бўлгандагина қадр-қиммат топади... Агар биз Элбек ҳаёти-ю, ижодига шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, у буюк зотдан қолган бой маънавий мерос фақат биз учунгина эмас, балки, бутун инсоният маънавий ривожига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганидан қалбларимиз ғурурга тўлади. Негаки, Элбек, аввало, жуда иймонли-инсофли тарбиячи бўлган: ҳамиша ўқитувчилик билан олимлик, шоирлик, адибликни қўшиб олиб борган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сафдошлари орасида илмий-ижодий ишни домлалик билан қўшиб олиб борганлардан Элбек билан Фитратни алоҳида тилга олиш мумкин. Ҳаётий тажрибалар шуни тасдиқлайдики, қандай ўқув юртида дарс беришдан қатъий назар, илмий оламдан ажралиб ёшларга тегишли маълумотни бериб бўлмайди. Ўз билимини ошириб бормаган киши бошқаларга нима бера олади?

Биз Элбек маънавий оламига киришдан олдин юқоридаги изоҳларни берганмиз — мақола давомида аён бўла борса керак. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги гўзал Ҳумсон мавзеини бир дўстимиз Оврупонинг Швейцариясига тенглаштирган эди. Негаки, атрофи тоғ-тошлар, қирлар, кўкаламзор боғлар. Кеча-ю кундуз шовуллаб, тошдан-тошга урилиб шарқириб оқиб ётадиган Ўгом дарёсининг шишадек тиниқ, муздек мусаффо суви — атрофга тоза ҳаво, қалбларга ором бахш этиб туради... Бўлғуси шоир, олим, адиб Элбек ана шу кўркам маконда туғилиб ўсган, дастлабки болалик йиллари, ўсмирларга хос дунёқарашлари шу ерларда ўт ўриб, мол боқиб, дала, қир, сойларни кезиб шаклланган. Ана шу масканнинг табиати, мафтункор манзаралари — Элбек шеърияти, насрий асарларидан тортиб, эртак ва қўшиқларида, бадиий ҳаваскорлар учун ёзилган ижод маҳсулларида ўз таъсирини қолдирган, дейиш мумкин. Агар унинг асарларини тўлароқ ўқиб чиқадиган бўлсангиз, бу ҳолни аниқ кўрасиз: улар аслида Элбек маънавиятидаги ватанпарварлик фазилатлари заминидан келиб чиқарди. Ватан тушунчасини ҳеч ким киндик қони тўкилган ердан ажрата олмайди. Шу ерда бир изоҳга эҳтиёж бўлса керак — «тор» маънодаги ватан — шубҳасиз, туғилган жой, кенг маънодагиси — албатта республика, бутун бир ватандир. Қаерда қорни тўйса — ўша ерни ватан қилиб кетаверадиган иймонсиз-эътиқодсизлар тўлиб ётибди-ку?! Ундайларга на ватан, на миллат, на тарих, на бугунги кун, на маънавиятнинг алоқаси йўқ ва бўлмайди. Шу маънода Элбек ўз ватанининг содиқ фарзанди эди, қизил империя уни қамаб отгунча ҳам ватанидан, эл-юртидан айрилмади, ўз иймон-эътиқодидан кечмади...

Элбек бутун умрини ёшларнинг маънавий ва маърифий тарбиясига бағишлади... Элбек фаолияти, ижодий маҳсули доираси ғоят кенг ва бой, у жуда кўп шеърлар, ҳикоялар, эртаклар, достонлар, илмий-назарий мақолалар, қатор дарслик ва қўлланмалар ёзган. Хрестоматиялар тузиб, Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Боту асарларидан намуналар эълон қилган. Булар ҳақида камина илгари номма-ном тилга олиб мақолалар ёзгани учун ҳозир уларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Шу сабабли мазкур мақолада Элбек ижодиётидаги маънавият ва маърифатга оид мулоҳазалар билан кифояланамиз. Элбек Фотиҳ Сайфий билан бирга 20-йилларнинг бошларидаёқ бошланғич мактаблар учун ўзбекча «Ўқиш китоби» ёзди. Китоб 1922 йилда Туркистон Давлат нашриётида чоп этилди. Унга ёзилган сўз бошида бундан аввал янги мактабларда она тилидан ўқитиладиган китоб йўқлиги, шунинг учун ҳам Туркистон халқ маориф комиссарлиги ҳузуридаги илмий кенгаш қарори билан бу иш Элбекка топширилганлиги айтилади, Элбек ўзи ҳам шу кенгашнинг аъзоси эди. Ана шу маълумотнинг ўзи маориф ташкилотларидаги мавқеини кўрсатиб турибди. «Ўқиш китоби»да кўплаб ўзбек мумтоз адабиёти ва 20-йилларда ижод қилган ёзувчиларнинг асарларидан намуналар берилган. Ана шу китобнинг учинчи қисмида «Навоий» сарлавҳали мақола ҳам ўрин олган. Уни Элбекнинг ўзи ёзган. Унда буюк бобомизнинг халқимиз ва жаҳон маънавий олами ривожига қўшган улкан ҳиссасидек ғоят муҳим ва жиддий мавзу болаларга тушунарли бир услубда шундай изоҳлаб бериладики, мулоҳазалари ҳамон ўз қимматини йўқотган эмас. Биргина мисол: «...Эски мактабда ўқилатурғон китобнинг бизга нима кераги бор, деб эски мактабга қарши бўлғонингиз каби китобларга ҳам қарши бўлмангиз. Эски мактаб ўқиғувчиларининг «Навоий» атағон китобини ёзғувчи «Навоий» деган кишидир. Бу киши бизнинг энг улуғ ва биринчи шоиримиз. Навоийнинг вақтида биздан етишган ёзғувчилар, шоирлар тилимизни ёрарли адабий эмас деб, ўзга элларнинг тилида ёзар эдилар... Навоий эса бу фикрга қарши чиқди. Тилимиз адабий ҳам бой эди... Адабиётга элимизни яқиндаштирди...»

Мана шу жумлалар бундан салкам бир аср илгари ёзилганини бир кўз олдингизга келтиринг-да, Элбек маънавий олами, маърифати, иймон-у, эътиқодига назар ташланг. Нималарни тасаввур этар экансиз?! Унда сиз миллий ифтихор, ўз тарихи, буюк даҳолардан қолган маънавий мероснинг беқиёс ардоқланиши сингари талай камолот ҳис-туйғуларини англаб оласиз. Бу ҳолат Элбек қиёфасидаги зиёлиликдан келиб чиқарди...

Россияда собиқ «иттифоқ»ни тиклашга дангал ружу қилаётган ўта хатарли кучлар бутун тарихимизни-ю, бугунимизни оёқости қилган ижтимоий тузумни ёқлаб турган айни кезларда биз ўзимизнинг миллий қадриятларимизни тиклашга дадил қадам қўймоқдамиз... Зеро, миллий мустақилликни сақлаб қолиш учун олиб борилаётган мураккаб курашларда — халқимизни, айниқса, ёшларни бу курашга дадил сафарбар этиш, уларда ўз миллий ва умуминсоний фазилатларимиз билан фахрланиш ҳиссиётларини ривожлантиришда маънавий меросниг аҳамияти ғоят буюкдир. Элбек меросини ўрганиш ҳам ана шу мураккаб жараённинг ажралмас бир катта қисмини ташкил этади...

Элбекнинг маориф ва маърифат оламига бутун ҳаётини бағишлаганини юқорида ҳам бир қадар таъкидлаб ўтдик. Гап шундаки, унинг ижодида болаларга атаб ёзилган асарлар энг кўп ижодий маҳсулот бўлиб қолади. Катталарга аталгани ҳам бор, аммо, таълим-тарбия асосан мактаблардан бошлангани учун—мактаб ва боғча болалари маънавиятини ривожлантиришни шоир Элбек биринчи ўринга қўяди. Шу мақсад билан катта-катта мавзуларни ҳам болаларга тушунарли қилиб ёзган Элбек ишчи, деҳқон, ҳайвонот олами, ватан, йиллар, фасллар, дала ва шаҳардаги юмушлар, дарёлар, тоғлар, бинобарин, шуларнинг барчасига инсоний муносабатлар сингари ғоят мураккаб мавзуларда талай шеърлар, эртак ва ҳикоялар яратган... Шоирлар орасида кўклам, баҳор ҳақида шеър ёзмагани бўлмаса керак. Элбек ҳам кўклам, баҳор, ёз, куз, қиш—шу фасллардаги табиат ва инсон, ҳайвонот олами ҳаёти, манзаралари ва ҳоказолар ҳақида ёзади, ҳаммасида болалар ва ёшлар маънавий оламини бойитишга, дунёга, воқеаларга онгли равишда муносабатда бўлишга даъват этади, уларда нафис туйғуларни шакллантиришга, яхшига ҳурмат, ёмонга нафрат ҳиссини уйғотишга интилади. Асли маънавиятнинг туб моҳияти ҳам шу эмасми?! Шоирнинг «Кўклам», «Бизнинг қишлоқ», «Лолазорда», «Ёз», «Ўроқ», «Олма», «Кичкина темирчи». «Отим», «Қуён», «Қиш», «Йўлдошжоннинг эшаги», «Оқ отим», «Хўкизим», «Экинчи», «Чўпон» каби талай шеърларида биз юқоридаги мавзулар талқинини кўрамиз.

Элбек томонидан тузилиб, 1929 йилда нашр этилган «Билим» хрестоматиясида эълон қилинган «Кўклам» сарлавҳали шеърига бир назар солсак, шоирнинг фасллар «келинчаги» ҳақидаги бор маҳорати кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Кўкдан «кўклам келди» деган хабар келди,
«Севинчи» деб ёш болалар югуриб-елди.
Қиш бобонинг қулоғига бу сўз етди.
Йиғлай-йиғлай бояқиш секин қочиб кетди.

Байрам қилиб турли қушлар сайрашдилар
Оғочларда учиб, қўниб яйрашдилар.
Далаларда лола, гуллар очилдилар,
Ундан чиққан ҳидлар ҳар ён сочилдилар,

Ернинг юзин кўм-кўк ўтлар қоплаб олди,
Қушлар ўтлар орасига тухум солди.
Оғочлар ҳам япроқ ёзиб байрам этди.
Юракдаги қайғулар бутун кетди.

Кўк гулдираб, ёмғир ёғиб, чақмоқ чақди,
Гулдираклар деҳқонларга жуда ёқди.
Болалар ҳам қувонишиб байрам қилди,
Ашулалар айтиб лола, гуллар тақди.

Кўриниб турибдики, мавзу катта, сатрлар содда. Кўклам таронаси адабиёт тарихининг барча даврларида муттасил тасвирланди ва ҳамон бу жараён давом этади. Аммо, минглаб эмас, миллионлаб шеърлар ёзилгани билан ҳаммаси ўз услуби, тасвири, шарҳи билан ажралиб туради. Қарийб бундан етмиш йиллар муқаддам ёзилган Элбек шеърини айни бугун ёзилгандай дейилса, муболаға бўладими? Биз бунга йўқ, деб жавоб берардик. Шеърнинг эскирмагани сири ҳам шундадир.

Бугина эмас, Элбекнинг жуда мураккаб мавзулардаги шеърларига назар ташлаганда бунга яна амин бўламиз. Жумладан, «Туркистон», «Бибихоним мадрасаси» каби шеърларида биз Элбек маънавиятидаги туб моҳиятни ҳам, ғоят катта жасоратни ҳам кўрамиз. Бу шеър Элбекнинг 1925 йилда чоп этилган «Ёлқинлар» номли шеърлар тўпламида эълон қилинган. Айни шу йилларда бир бутун Туркистон беш бўлакка ажратилиб, гўё ҳаммасига «мустақиллик» берилган, аслида бирини иккинчисига истаган вақтда едиришга замин ҳозирлаб қўйилган, бунинг устига бутун моддий ва маънавий бойликларимиз оёқости қилинаётган кезлар эди. Бундай даҳшатли бир вазиятда «Бибихоним мадрасаси» улуғланади, уни «**Ўтмишдан эсдалик дедим буни мен, Чиндан-да эсдалик учун ярашар**» деб мадҳ этади шоир.

Биз Элбекнинг «Туркистон» шеърида ҳам ўша ғоянинг бошқачароқ бир талқинини кўрамиз. Бунда кекса Туркистонда яшовчи турли миллат ва элат вакилларига — бир юртнинг ягона халқи сифатида аҳил, тотувлик ва якдиллик билан яшашга даъватни чуқур идрок этамиз... Энди эътибор қилинг, «Туркистон — умумий уйимиз» дея миллий қадриятларимизни тиклаш ва шулар замирида ёшларни тарбиялашга юртбошимиз муттасил даъват этаётган айни пайтларда, улуғ бобомиз Амир Темур ҳаёти, фаолияти ҳақида илмий бадиий асарлар яратилаётган, музейлар очилаётган кезларда Элбекнинг «Бибихоним мадрасаси», «Туркистон» асарлари қанчалик буюк қадрият, маънавият эканини не сўз билан ифодалаймиз... Бошқа асарларини тилга олмай, худди шу иккиси учуноқ унга ҳайкал қўйса арзимайдими?! Арзийди. Ана шу ҳодисалар ҳақида ўйлаганда ахборот воситалари, нашриётлардаги айрим ҳолатлар баъзан кишини ранжитади. Агар ҳомий топилса, деярли ҳеч кимга кераги йўқ китоблар босилиб кетмоқда. Ахборот воситаларида яхши мақолалар қаторида иккинчи, учинчи даражали асарларга ўрин берилаётгани ҳам сир эмас. Агар Элбек ёки унинг сафдошлари асарлари тезроқ чоп этилса, улар ҳақидаги тадқиқотлар эълон қилинса, ёшларимиз маънавий оламини ёритадиган нурга яна нур қўшилмасми эди?!.

Элбек номини абадийлаштириш ҳақида Бўстонлиқ тумани ҳокимининг шахсан ташаббуси билан Ҳумсонда икки-уч марта яхши тадбирлар ўтказилганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Элбек номига атаб Ҳумсоннинг энг кўркам еридан боғ барпо этилди. Ёзувчи ва олимлар билан йиғинлар, шоирнинг ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғларининг учрашувлари, қизғин суҳбатлар ўтказилди. Бу ишлар ҳали етарли эмас. Элбек ҳақида катта асарлар яратиш, унинг асарлари тўпламларини чиқариш, номини янада юксакроқ савияда абадийлаштириш вақти етди. Зеро, мустақиллигимиз шарофати буни тақозо этади...

Аҳмад АЛИЕВ,
Гулчеҳра АЛИЕВА.

АСРЛАР ОША ДАВОМ ЭТАЁТГАН АНЪАНАЛАР



Июнь ойи ўртасида Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида «Бухоро ва Хева шаҳарлари илм-фани ва маданияти» мавзусида кўргазма очилади. Кўргазма мазкур шаҳарларнинг 2500 йиллигига бағишланган ҳафталикнинг асосий воқеаларидан бири бўлади. Маълумки, ЮНЕСКО бош конференцияси бу шаҳарларнинг юбилейини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Кўргазма қандай ташкил этилгани ва унда нималар намойиш қилиниши ҳақида «Ўзэкспомарказ» бош директори Бахтиёр ЭРМАТОВ ҳикоя қилади:

Воқеалар арафасида

— «Ўзэкспомарказ» мутахассисларига мазкур кўргазмага экспонатларни тўплаш ишониб топширилган. Уларни ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Миро» залига олиб бориб, жойлаштириш ҳамда асраб-авайлаб сақлашга ҳам биз масъулмиз. Бу жуда кўп меҳнат талаб қиладиган иш, албатта. Икки қадимий шаҳарнинг 2500 йиллиги байрами иштирокчилари асрлар давомида Бухоро ва Хева ҳудудида яшаган халқларнинг маданиятига оид ноёб асарлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Бу асарлар орасида, масалан, сопол ҳайкалчалар, ажойиб нозик кулолчилик буюмлари, милоддан олдинги 5-3 асрларга оид юнон-бақтрия тангалари бор. Нисбатан «ёш» экспонатлар ҳам бўлиб, булар — зардўзлик буюмлари, заргарлик безаклари, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик буюмларидан иборат. Юртимиздаги икки маданият маркази усталари азалдан бундай буюмларни ясаш билан донг чиқарган. Бироқ, кўргазмада халқ усталарининг замонавий асарлари ҳам намойиш этилади. Бу эса, миллий анъаналарнинг узвийлигидан далолат бўлиб, халқ усталари авайлаб асраб, авлоддан-авлодга қолдираётган касб сирларини намойиш этишга ҳам имкон беради.

Экспонатларни Республика Бадиий академиясининг бош илмий котиби, санъатшунослик доктори Акбар Ҳакимов бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи танлаган. ЮНЕСКО қароргоҳидаги кўргазмада ҳозир Давлат санъат музейи, Ўзбекистон миллий тарихи музейида, шунингдек Бухоро музейи ва Хевадаги Ичон қалъа музей-қўриқхонасида сақланаётган қадимий усталарнинг асарлари ва буюмлар ҳам намойиш этилади. Коллекцияни тайёрлашда археология институти фаол иштирок этиб, кўргазма ташкилотчилари ихтиёрига қадимий буюмларни ажратиб берди. «Маҳаллий саноат» корпорацияси, маданият ишлари вазирлигининг халқ усталари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Ҳунарманд» бирлашмаси замонавий амалий санъат асарларини тақдим этган. Париждаги кўргазмага замонавий рассомларимизнинг Бухоро ва Хевага хос бўлган муҳит тасвирланган асарларини, икки қадимий шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи чиройли ва рангли суратларни ҳам олиб борамиз.

Парижда ҳам кўпгина ишларни бажаришимизга тўғри келади. Чунки ҳар қандай кўргазманинг таъсирчанлиги унда нималарнинг намойиш этилишигагина эмас, экспонатларнинг қандай жойлаштирилишига ҳам боғлиқ. Бу ҳам санъат ҳисобланади. Таниқли меъмор, бадиий академия академиги Азамат Тўхтаев экспозициямизнинг махсус концепциясини ишлаб чиққан. «Миро» залининг деворлари қадимий ва замонавий усталар қўли билан тўқилган гиламлар, ғазламалар, зардўзлик буюмлари, суратлар билан безатилади. Буларнинг барчаси кўргазма меҳмонларига Бухоро ва Хева сингари қадимий шаҳарлар маданияти тўғрисида тўла тасаввур бериш билан бирга, улар шарқ санъатининг бетакрорлигини ҳис этиши ҳамда асрлар оша давом этаётган миллий анъаналарнинг барқарорлигига ишонч ҳосил қилиши учун имкон яратади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Музей шаҳар — Хева; Бухоро эрдўзлигига бутун дунёда ҳавас билан қарашади.

«Ҳамшира-97»

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан «Камолот» жамғармаси Китоб туманида республика «Ҳамшира-97» кўрик-танлови якунловчи босқичини ўтказди. Унда вилоят танловлари ғолиблари қатнашди. Шаҳрисабзлик Муаттар Болтаева танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. У хизмат қилаётган Шаҳрисабз туман марказий касалхонасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дамас» енгил автомашинаси ажратди. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги эса ғолибга тикув машинаси ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширди. Беллашувда иккинчи ўрин Тошкент вилоятидан Дилфуза Худойназаровага, учинчи ўрин эса самарқандлик Тамара Ғаффорова ва бухоролик Насиба Ҳаитовага насиб этди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Халқаро ҳаёт

ХАЛҚНИНГ ФИКРИ СЎРАЛАДИ

РОССИЯ президенти Борис Ельцин яқинда Санкт-Петербургда бўлган чоғида бир неча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар орасида Владимир Ульянов (Ленин)нинг жасадини сақлаш билан боғлиқ масала ҳам бор эди.

— Ленин ерга дафн қилиниши керак, — деди давлат бошлиғи. — Лекин бу масалада шу йил кузида Бутунроссия референдумини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари Борис Ельциннинг фикрича, Қизил майдонни аста-секин, маърифий йўл билан, маданий йўсинда ва жуда эҳтиёткорлик билан мозорлардан тозалашнинг бутун бир дастури устида ўйлаб кўриш керак.

ТАНТИЛИГИ УЧУН

ИСПАНИЯЛИК қўл тўпи устаси Матео Гаральда Атлантада ўтказилган олимпиаданинг бронза совриндори бўлиб, ўзининг олимпия медалини тенг иккига бўлган ва ярмини командадош дўсти Энрику Масипуга берганди. У шикастланиб қолганлиги сабабли ҳал қилувчи ўйинда иштирок этолмаганди. Гаральда ўзининг ўша тантилиги учун Испаниянинг энг обрўли мукофотларидан ҳисобланадиган «Испания инфанти (шаҳзодаси) мукофоти» билан тақдирланди.

ТАЛАФОТЛАР ТАЛАЙГИНА

ТУРКИЯ Ироқнинг шимолида курд исёнчиларига қарши ҳарбий ҳаракатларни асосан ниҳоясига етказди. Кенг кўламда олиб борилган ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар оқибатида курд исёнчиларидан 2 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Туркия томони кўрган талафот эса юз киши атрофида.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БРЮССЕЛ. Люксембургда Европа Иттифоқи (ЕИ) кенгашига аъзо мамлакатларнинг иқтисод ва молия вазирлари даражасидаги мажлиси бошланди. Унда ЕИ ҳудудида янги пул бирлиги — «Евро»ни белгиланган вақтда муомалага киритиш масаласи муҳокама этилмоқда.

* * *

ҚОҲИРА. Миср пойтахтида икки ярим ойлик танаффусдан сўнг Фаластин-Исроил музокаралари бошланди.

Маълумки, шу йил 18 март куни Исроил ҳукумати Қуддус шаҳрининг шарқий қисмида яҳудийлар учун янги турар-жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин Фаластин-Исроил музокаралари тўхтаб қолган эди.

* * *

БАҒДОД. Ироқ раҳбарияти Сурия ҳукуматига мурожаат қилиб, бу икки мамлакат ўртасида 1980 йили узилган дипломатия муносабатларини қайта ўрнатишни таклиф қилди.

Маълумки, шу вақтгача Ироқ билан Сурия ўртасида дипломатия муносабатлари мавжуд бўлмаган эса-да, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни тўхтатмаган эди.

* * *

СЕВАСТОПОЛ. Украина ҳукумати қарорига биноан, мамлакат ҳарбийлари Қора денгизни кимёвий қуроллардан тозалай бошлади. Украина оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, 1942 йили собиқ Қизил Армия аскарлари Севастополни ташлаб чиқиб кетар экан, ўша пайтда мавжуд кимёвий қуролларни Қора денгизга чўктирган экан.

* * *

СИНГАПУР. Бу ерда «Телеком эйша — 97» кўргазмаси очилди. Унда халқаро электрон алоқа ташкилоти таклифига биноан жаҳоннинг 30 мамлакатидан келган 470 фирма ва компаниянинг телекоммуникация маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

Мозий лавҳалари

Мен кўпдан бери Шарқ қўл ёзмаларини мутоала этиб, олган таассуротларим асосида ихчам, ибратли ҳикоятлар машқ қилиб юраман. Улардан айримлари илмий рисолаларимдан жой олган. Бугун кейинги пайтларда ёзилган ана шундай ҳикоятлардан бир нечтасини газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдаман.

МУАЛЛИФ.

МУШУК ВА ИККИ МУСИЧА

БАҲОР келиб, кунлар исиб кетиши билан бир мусича пешайвоннинг қошу қалами оралиғидаги бўш жойга хасу чўплар ташиб, уя қура бошлади. Хона битай деб қолганда, бошқа бир мусича тумшуғида хас кўтариб келиб, ҳалиги жойни эгалламоқчи бўлди.

Икки орада жой талашиб, жанжал бошланди. Мусичалар бир-бирини чўқий-чўқий патларини юлишди. Охир ҳолдан тойиб, ерга қулашди. Бу можарони бўғотда кузатиб турган мушук таппа тушиб, иккаловини ҳам еб қуйди.

Мухолифларнинг келишмовчиликларидан ҳар доим бошқалар фойдаланади.

БЎРИНИНГ ҚИСМАТИ

ЎРМОНДАГИ бир чуқурликда оналаридан бемаҳал ажралиб қолган Шер, Бўри ва Тулки болалари яшаркан. Улар кундан-кунга ўсиб-улғайиб, тириклик машаққатларини биргаликда тортиб юришаркан. Орадан ойлар, йиллар ўтиб, махлуқлар балоғат ёшига етишибди. Энди улар ҳар куни ҳамкорликда ўлжа қидиришаркан. Шер эса тобора зўрайиб, важоҳати ўзгариб, «ўрмон шоҳи»га айланиб борар экан. Кунлардан бир кун улар бир қулонни овлашибди. Шер ўлжани Бўри олдига суриб:

— Буни учга бўл, — дебди.

Бўри ҳам доимий одатга кўра сайдни учга тақсимлаб, бир қисмини Тулки олдига, бошқа бўлакни эса Шер олдига қўйибди. Шу пайт Шерга ўз олдига қўйилган гўшт камдек туюлиб, Бўрини тутиб, оёқларидан икки бўлиб ташлабди.

Тулки даг-даг қалтираб, ўз улушини заҳар ютгандек ебди.

Эртаси куни дўстлар овда бир қўзичоқни қўлга туширибди. Шер уни Тулки олдига ташлаб:

— Буни иккига бўл, — дебди виқор билан.

Тулки ҳам қўзичоқни теппа тенг иккига бўлибди-ю, ҳар икки бўлакни ҳам Шер олдига қўйиб:

— Ўзларидан бўлсин, Шоҳим, — дебди.

— Бу одобни кимдан ўргандинг? — сўрабди Ўрмон Шоҳи.

— Бўрининг қисматидан, — дебди дир-дир титраган ҳолда Тулки.

ШАБДИЗ ЙЎРҒАСИ

ШАРҚДА Алпомишнинг Бойчибори, Гўр ўғлининг Ғироти, Ҳазрати Алининг Дулдули сингари Хусрав Парвизнинг Шабдиз оти хусусида ҳам нақлу ривоятлар жуда кўп.

Нақл этишларича Хусрав Шабдизни ниҳоятда эҳтиёт қилар, ҳеч кимга ишонмас, ҳатто, кўпинча шахсан ўзи парваришлар экан. Иттифоқо ана шу севимли от касалланиб қолибди. Етти иқлимдан саисхона табибларини чақиртирибди, фойда бермабди. Натижада от узала тушиб, ётиб қолибди.

Бунга чидай олмаган Хусрав Мадойин қасридин чиқиб, тоғ этакларидаги сўлим қароргоҳига йўл олиб, дебди:

— Кимда ким «Шабдиз ўлди» деган хабарни келтирса, калласини оламан.

Орадан кўп ўтмай, Шабдиз жон берибди. Вазиру вузаролар, акобиру ашрофлар бу хабарни шоҳга қандай етказиш чорасини топа олмай, кўп изтироб чекибдилар. Шунда Шоҳнинг боғбони Бомдуй сарой созандаларининг сардори, машҳур машшоқ Борбад Марвазий ҳузурига келиб:

— Устоди муҳтарам, бу мушкулотдан бизни ўзингиз қутқармасангиз, бошқа ҳеч кимдан нажот йўқ, — дебди.

Борбад хос хонасида туни билан мижжа қоқмай, бир оҳанг яратибди-да, тонг саҳарлаб, Хусрав қароргоҳига йўл олибди. Борбад келганда Хусрав катта анҳор соҳилидаги бепоён майсазор даштга қараб ўтирган экан. Борбад торини қўлига олибдию яратган куйни аста чала бошлабди. Унда кенг даштда елиб юрган Шабдизнинг охир-оқибатда саҳро этакларига бориб, саробдек кўздан ғойиб бўлиши тасвирланган экан. Шоҳ куйни диққат билан тинглаб бўлгач, бехосдан:

— Шабдиз ўлди, — дебди-да юзлари узра кўз ёши доналари думалабди. Ана шу куй «Шабдиз йўрғаси» деб аталибди.

КЎРНАМАКНИНГ МУКОФОТИ

СУЛТОН Масъуд аъёнлари, лашкарбошилар, ўз томонига ўтган Ҳирот эгадагонлари билан базм қуриб ўтирганди. Мулозимлар шаҳарнинг собиқ Хос ҳожиби Али ўз одамлари билан келганини айтишди. Султон киришга ижозат берди. Али хизматкорлари билан ичкарига кириб, таъзим қилди, этагини ўпиб, кўзига суртди. Султон оёғига икки халта олтинни нисор этди. Маъсуд ҳам меҳмонга керагидан ортиқ илтифот қилди: ўнг қўлидан-юқоридан шоҳона курси кўрсатди.

Базм қизигандан қизиди. Қуюқ зиёфат, самимий суҳбатлардан сўнг Али кетишга ижозат сўради. Султон ишораси билан уни кузатиб чиқдилар. Ҳовлидаги издиҳом орасидан икки киши чиқиб келиб, Алининг қўлларини орқасига қайиришди. Учинчиси либосларини ечиб, гарданини босиб туриб, калласини олиб ташлади. Ўз хожасига кўрнамаклик қилиб, қаттол мухолифи ҳузурига иноъом-эҳсон келтирган ҳар бир кимсанинг тақдири шундай кечади.

АДЛ БИЛАН ЮРТ ОБОД

РИВОЯТ қилишларича, Жамшид овга кетаётса, олдидан жаннатсимон бир боғ чиқибди. Юз хил мева ғарқ пишиб ётган экан. Шоҳ боғбондан ичишга сув сўрабди. Мўйсафид ҳовлига кириб, бир анорни сиққан экан, пиёла тўла шарбат тушибди. Келтириб, Жамшидга берибди, у бир симириб, пиёлани бўшатибди.

— Отахон, бу боғ кимга қарайди, — сўрабди шаҳаншоҳ.

— Ҳеч кимга. Мен парвариш қиламан, мевасидан эл, мусофирлар баҳраманд бўлади, — дебди боғбон.

— Мен Жамшидшоҳ бўламан. Шунча боғни бир ўзингиз еб ўтирмай, ҳар йили хазинага юз танга солиқ тўлаб туринг, — дебди-да, йўлида давом этибди.

Жамшид овдан қайтишда яна боққа кириб, шарбат сўрабди. Боғбон унга анорни сиққан экан, бир қултумча шарбат чиқибди.

Шоҳ боғбоннинг ҳаяллагани сабабини сўрабди.

— Адл билан юрт обод, зулм билан эл хароб, деганлар, сендан зулм зоҳир бўлгани учун ўнта анорни сиқсам ҳам ярим пиёла шарбат чиқмади, — дебди қария.

Жамшид қилмишидан пушаймон бўлиб, боғбонни жаримадан озод қилибди. Натижада, етти иқлимга донг таратган адолатли шоҳ бўлибди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.

ЧАП ЧЎНТАКДАГИ ДОЛЛАРЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ солиқ ва божхона хизмати ходимлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни адо этиб, кўпгина қонунбузарликларнинг олдини олмоқдалар, мамлакат товар-моддий бойликларини сақлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Фельетон ўрнида

Кейинги ярим ой давомида ўтказилган тадбирлар натижасида ҳужжатсиз ва рухсатсиз олиб кетилаётган 10,2 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 28,5 тонна маъданли ўғитлар, 14.400 литр дизел ёнилғиси, салкам 145,5 минг АҚШ доллари, 49 миллион рус рубли, 88,3 килограмм гиёҳванд моддалар чегарамизда ушлаб қолинди. Бу ишда Тошкент вилояти божхоначилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаркатлари билан яқинда Бекобод туманида яна бир оғуфуруш қўлга тушди. Бу воқеа «18-Ойбек» божхона пости ходимлари билан Бўка тумани Ички ишлар бўлими ходимлари биргаликда ўтказган тадбирлар вақтида аниқланди. Фуқаро М. Маматкаримовнинг давлат белгиси П 87-37 ТШ бўлган «Жигули» машинасида Тошкент —Бекобод автотрассаси бўйлаб келаётган бу оғуфуруш юртдошимиз Абдушукур Ашуров бўлиб чиқди.

Абдушукур божхона кўригидан ўтказилганда унинг қўлтиқлари остига бир килограмм қора дори ва 100 грамм наша яширилганлиги маълум бўлди. Ҳозир ушбу ҳолат бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят божхоначилари Тожикистондан келаётган 60-99 ТШМ давлат белгили «Икарус-250» автобусини кўрикдан ўтказишаётганда яна бир оғуфуруш қармоққа илинди. Тожикистонлик йўловчи Л. Г. Ковальчук бирор бир қора кунимга «яраб» қолар деб 2 килограмм 511 грамм гашишни сумкасининг тагига жойлаб олган экан. Мана, энди у қилмишига пушаймон бўлиб ўтирибди.

Божхоначиларнинг хушёрлиги билан оғуфурушлар поезд ва самолётларда ҳам тез-тез қўлга тушмоқдалар. Тошкент шаҳар божхона хизмати ходимлари яқинда «Тошкент — Москва» йўловчи поездини кўрикдан ўтказишаётганда тожикистонлик Л. Исахонов ўзи билан бирга 4200 грамм қора дори олиб кетаётганлиги аниқланди. Ушбу воқеа юзасидан тўпланган материаллар чора кўриш учун транспорт ички ишлар бўлимига топширилди. «Тошкент — Москва» йўналиши бўйлаб учаётган украиналик Н. Ю. Носикнинг сумкасидан топилган 725 грамм қора дори бўйича ҳам тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозир кўпгина йўловчилар божхона хизмати ходимларининг кўзини шамғалат қилиб чет мамлакатларга яширинча доллар олиб кетишга уринмоқдалар. Йўловчилар қанчалик устомонлик қилишмасин, божхоначилар бундай уринишларни ўша зумдаёқ пайқаб, зарур тадбирий чораларни кўрмоқдалар. Натижада йўловчиларнинг ўзлари мулзам бўлиб қолмоқдалар.

Тошкент аэропортида шундай бўлди. Москвага учаётган юртдошимиз Ш. Аслонов божхона баённомасида кўрсатилмаган 2600 АҚШ доллари ва 4 миллион рус рублини «чап чўнтакда» ўзи билан олиб кетаётганда сир ошкор бўлди. Новосибирскка учаётган яна бир юртдошимиз К. Раҳматуллаев ҳам 2100 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмай олиб кетаётган экан. Мана энди қўлга тушиб юзи шувут бўлиб ўтирибди.

Тошкент аэропортида йўловчиларни божхона кўригидан ўтказиш чоғида баённомада кўрсатилмаган энг кўп доллар юртдошимиз М. Эргашеванинг ёнидан чиқди. У Хабаровскка учаётиб ўзи билан бирга 4500 АҚШ долларини яширинча олиб кетаётган экан. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Новосибирскка учаётган Б. Мирбобоев эса 1000 АҚШ доллари билан 3 миллион 200 рус рублини яширинча олиб кетаётганда ушланди.

Афсуски, бундай ножўя ишларни фақат ўз фуқароларимиз эмас, балки дунё кўрган чет эллик фуқаролар ҳам қилмоқдалар. Тошкентдан Сеулга учаётган Япония фуқароси шундай хатога йўл қўйди. У шайтоннинг гапига кириб, 9100 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмади. Сир очилгач, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатишга мажбур бўлдилар. Инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўша юртнинг қонун-қоидаларига амал қилиши шарт.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Қонун-қоидали иш қилган, қадамини тўғри босган одамнинг ҳамиша йўли очиқ. Қинғир йўлга кирганларнинг боши эса бориб деворга урилиши аниқ. Шундай экан, қонунни оёқ ости қилмайлик, тўғри юриб, тўғри яшайлик. Шунда эл-юрт олдида ҳамиша юзимиз ёруғ бўлади.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

*СПОРТ * *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ШУНДАЙ ЎЙНАШ КЕРАК

Вилоятимизнинг марказий «Дўстлик» ўйингоҳига ташриф буюрган томошабинлар ўтган куни «Дўстлик» — «Зарафшон» (Навоий) жамоаларининг ўйинини кўришди. Олий табақанинг бу икки жамоаси қуйидаги таркибда майдонга тушишди. «Зарафшон»: 1. Руслан Аҳмадхонов, 2. Константин Павловский, 3. Фарҳод Нуруллаев (жамоа сардори), 4. Даврон Умуров, 5. Игорь Галавонов, 6. Хайрулла Асқаралиев, 7. Александр Иброҳимов, 8. Ринат Сайфулин, 9. Сергей Агаметов, 10. Константин Ерофеев, 11. Виталий Ли. Иккинчи таймда: 12. Эркин Назаров, 14. Максим Николаев, 17. Сергей Ивлев.

«Дўстлик»: 1. Евгений Сафонов, 2. Павел Кайгородов, 3. Рустам Шоймардонов, 4. Сарвар Шарипов (62 дақиқада 14. Анатолий Хилов), 5. Егорь Гладков, 6. Владимир Галянов, 7. Отабек Пирматов, 8. Георгий Ким, 9. Олим Шокиров, 10. Фарид Хабибулин (69 дақиқада 13. Рифат Халиулин), 11. Жаъфар Ирисметов. Ўйинни Республика тоифасидаги ҳакам Александр Попов бошқариб борди.

Футболдан томошабин ҳужумкорликни, голларни, чиройли тўп оширишларни кутади. Ҳакам хуштаги янграб, тўпни меҳмонлар ўйинга киритди. Аммо, ҳадеганда томошабинни ҳаяжонга соладиган ҳужумлар бўлавермади. Баъзилар, қўл силтаб, кечаги Олмония терма жамоасига ўртоқлик учрашувида 2:0га ютқазганидек, «Дўстлик» бой беради, деган хаёлга борди. Тўғрида, ўйиннинг аҳволи суст бўлгандан кейин нима ҳам дейиш мумкин. Ҳатто, ҳавонинг авзойи бузилиб, салқин шамол эса бошлади. Ўйингоҳ атрофидаги дарахтлар, арчаю, қайрағочлар «нима бўларкин» дегандек бош ирғашарди. Меҳмонларнинг олтинчи, ўн биринчи рақамли ўйинчилари моҳирлик билан ҳужумга ташландилар. Кучли зарба дарвоза тўсинига тегиб қайтди. К. Павловский тўпни яна изига йўналтирди. Е. Сафонов қийинчилик билан тўпни қайтарди. 20 дақиқада яна К. Павловский «Дўстлик» ҳимоячиларини доғда қолдириб, дарвозабонни шошириб қўйди. Фақаттина энг охирги паллада етиб келган ҳимоячи тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборибдию, хавфли вазиятни бартараф қилди. Бурчакдан тепилган тўпни эса зарафшонликлар нишонга теккизишолмади. Энди «Дўстлик» ҳужумга ўтди. Вазиятдан фойдаланган Ж. Ирисметов тўпни меҳмонлар дарвозасига йўллади. 23 дақиқада ҳисоб очилди. 1:0.

Меҳмонлардан Ринат Сайфулин дарвозабон билан яккама-якка қолди. Унинг шиддатли ҳужумини Е. Сафонов моҳирлик билан бартараф этди. Майдоннинг чап қанотидан тўпни ўйинга киритган Павел Кайгородов Владимир Галянов ва Олим Шокировни янги ўйин услубига чорлади. Томошабинлар жунбушга келди. О. Шокиров тўпни В. Галяновга узатди. У эса моҳирлик билан қулай мақомда турган Георгий Кимга узатди. Г. Ким эса имкониятни қўлдан чиқармади. 37 дақиқада ҳисоб 2:0.

Иккинчи бўлим биринчисидан ҳам қизиқроқ бўлди десак адашмаймиз. Чунки меҳмонларнинг Ф. Асқаралиев, Р. Сайфулин, Э. Назаров каби ўйинчилари тез-тез «Дўстлик» дарвозабонини шошириб қўя бошлади. 59 дақиқада В. Галянов, Р. Ким, О. Шокировлар уюштирган ўйин учинчи тўпнинг киритилиши билан якунланди. Орадан бир-икки дақиқа ўтмасдан навоийликлар Р. Сайфулин, К. Павловский, С. Ивлевлар уюштирган моҳирона ўйиндан сўнг орадаги ҳисоб қисқарди. 3:1. 75 дақиқада Фарид Хабибулин ўрнига ўйинга тушган Рифат Халиулинни меҳмонлар чалиб йиқитишди. Бош ҳакам бу қоида бузишни жарима билан жазолади. 11 метрлик жарима тўпини 11-рақамли ўйинчимиз аниқ тўрга туширди. 4:1. Ана шу ҳисоб билан «Дўстлик» «Зарафшон» жамоаси устидан ғолиб келиб, ҳолларини 27 га етказди.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Ўйиндан асосий мақсад ҳол (очко) тўплаш, бироқ томошабин тўплаш масаласини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ҳар қандай вақтда ўйин кўрсатиш, услублар намойиш этиш томошабинга завқ бағишлайди. Масалан, «Дўстлик»нинг ярим ҳимоячиси Владимир Галянов ва «Зарафшон»лик Ринат Сайфулинлар тиниб тинчимаслиги, ўйиннинг барча жабҳаларида чаққонлик билан ҳозиру нозир туришлиги жиҳатидан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Келгусида «Дўстлик» жамоасидаги барча футболчилардан чиройли ўйинлар кутиб қоламиз.

12-турнинг қолган натижалари эса қуйидагича:

«Чилонзор» — «Трактор» — 2:1, «Насаф» — «Атласчи» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Сурхон» — 1:1, «Янгиер» — МҲСК—1:3, «Пахтакор» — «Хоразм» — 0:0, «Навбаҳор» — «Косонсой» — 5:0, «Андижон» — «Бухоро» — 1:0, «Афросиёб» — «Нефтчи» — 0:2. Кейинги тур 12 июнь куни ўтказилади. Унда «Дўстлик» жамоаси Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси меҳмони бўлади.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарий! I-рақамли хонадан бошлаб бир-бирига улаб ёзиш машқини ечасиз. Шаклнинг айланаларидаги рақамларни эса жавоб сўзларининг биринчи ҳарфлари билан алмаштирасиз. Шунда буюк соҳибқирон, давлат арбоби Амир ТЕМУР бобомиз ҳикматларидан бири аён бўлади.

1. Коинотдаги ёритгич жисм. 2. Ҳарбий қисмларнинг ходимлари. 3. Қадимдан туркий халқлар яшовчи Марказий Осиёдаги ҳудуд. 4. Тиниш белги. 5. Қизиқчилар баҳси. 6. Спорт мусобақасида иткитиш анжоми.7. Ер куррасидаги биринчи инсон. 8. Тошкент вилоятидаги кичик шаҳар. 9. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари қаҳрамони. 10. Тошкентдаги жадидлик ҳаракати раҳбари. 11. Инсоният содир этган туб ўзгариш. 12. Ўзбек маърифатпарвар шоираси. 13. Ёзувчи Мирмуҳсин романи. 14. Корхонанинг соф фойдаси. 15. Мақолдан: «Бу... ўтар кетар, эзгулик қолар». 16. Саҳналаштирилган ўзбек халқ эртаги. 17. Ақлий спорт ўйини. 18 Санъат тури. 19. Ўзбек халқ рақс куйи. 20. Ўтмишни ўрганувчи фан. 21. Ватанимиздаги вилоят. 22. Кўни-кўшнилар жамоаси. 23. Таниқли ўзбек геолог олими. 24. Бирор мамлакатнинг пул бирлиги. 25. Араб ҳарфларига асосланган ҳисоб-китоб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси қуйидаги автотранспорт воситалари, Чирчиқ шаҳридаги кўчмас мулк объектлари ҳамда паррандачилик фермасини ким ошди савдосига қўяди

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

Русуми	Дав. рақами	Автобаза манзили	Амалда юргани (км)	Чиқарилган йили	Бошланғич нархи (сўм)
1. ИЖ-2715-01401	74-01 ТШП	Чирчиқ шаҳридаги 1-ҳунар-техника билим юрти	258130	1987	44200.0
2. УАЗ-452Д	05-21 ТШЦ	Тошкентолди гидрогеологик экспедицияси Қибрай тумани	376713	1980	44200.0
3. ЗИЛ-130	52-63 ТШП	Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ҲЖ	289240	1977	98800.0
Жами:					187200.0

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ

	Бошланғич нархи (сўм)
1. Ш. Рашидов кўчаси. 31 уйда жойлашган майдони 703,6 кв.метр бўлган «Космос» дўкони хонаси	800000,0
2. 9-даҳада жойлашган 30-уйнинг 129,8 кв. метр майдонга эга бўлган дўкон хонаси	190000,0
3. А. Темур шоҳкўчасидаги 108-уйда жойлашган майдони 60,7 кв. метрли офис учун мўлжалланган хонаси	72000,0
4. 9-даҳадаги 30-уйда жойлашган майдони 42,7 кв. метр бўлган дорихона хонаси	60000,0
5. Чирчиқ шаҳар А. Навоий шоҳкўчаси 206-уйда жойлашган умумий майдони 132,8 кв. метр бўлган «Ўзбекхиммаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг одам яшамайдиган хонаси	134000,0
6. Чирчиқ шаҳар Осипенко кўчаси 4-уйда жойлашган умумий майдони 117.12 кв. метр бўлган одам яшамайдиган хонаси	122000.0

Қибрай туманидаги «Дўстлик» кўрғонида жойлашган «Жомий» ОТҲЖ паррандачилик фермаси — бошланғич нархи 2420,0 минг сўм.

САВДОЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИДА 1997 ЙИЛ 21 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ОБ-ҲАВО

ЁМҒИР, МОМАҚАЛДИРОҚ, ШАМОЛ...

...бу сафар ҳам бизни безовта қиладиган кўринади. Об-ҳавошуносларнинг хабарига қараганда бугун ва эртага баъзи туманларда ёмғир ёғиши ва момақалдироқ бўлиши кутилади. Шунингдек, сониясига 15—20 метр тезлик билан шамол бўлиши ҳам мумкин. Кейин эса кунлар очилиб, ҳаво ҳарорати 40 даражагача исиб кетади. ҳозирча кечалари 15—20, айрим вақтларда 18-23, кундузи 29-34, баъзан эса 32-37 даража иссиқ атрофида бўлади.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда ПЎЛАТ САЙДУЛЛАЕВИЧ КАМОЛОВга берилган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 8-ўрта мактаб томонидан 1989-1990 ўқув йилида АЛИЕВ Мекемтас Тасполатовичга берилган 290780 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Парентерал Драгс Прайват Лимитед» Ўзбекистон — Ҳиндистон масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41. Телефон: 33-58-81.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6